

Хулоса. Эрон адиби Муҳаммад Козим Мазиноний қаламига мансуб “Сўнгги (ш)оҳ” романининг русча матни (“Последний падишах”) асосида яратилган ўзбекча таржимаси билан боғлиқ масалаларни кичик бир фаслга сиғдириш имконсиз ва ушбу мақола орқали келажакда асар таржимаси ҳақида кенгроқ тадқиқот олиб бориш учун замин ҳозирланди. Ўйлаймизки, тез вақтда мазкур романнинг асл форсча аслини топиб, уни Хуршид Дўстмуҳаммад таржимаси билан солиштириш ва унинг русча ва ўзбекча таржималари устида тадқиқотларни давом эттириш имкониятига эга бўламиз, деб умид қиламиз.

Foydalanilgan adabiyotlar va manbalar:

[1] – Муҳаммад-Казем Мазинани. Последний падишах. Роман. – Иностранная литература, [9] 2012. – 176 с.

[2] – Мазиноний Муҳаммад Козим. Сўнгги (ш)оҳ. Роман (Рус тилидан Х.Дўстмуҳаммад таржимаси). – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2024. – 256 б.

[3] – Саломов Ғ., Комилов Н. “Дўстлик кўприклари”. – Тошкент: 1979.



**САГИФ ҚОРАТОРПОҚ ШЕЪРЛАРИ ЎЗБЕК ТИЛИДА
(Ўзбек- озарбайжон адабий алоқаларидан)**

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ, ТДШУ профессори. Халқаро адабиёт, санъат, маданият ва ижтимоий фанлар академияси академиги. Тел: 90 990 91 87.

PhD. Меҳринисо Қаюмова, ТДШУ доценти. Тел: 99 885 44 18.

Аннотация. Мақолада ўзбек озарбайжон адабий алоқалари ҳақида маълумотлар берилади. Турк, озарбайжон шеъриятдан қилган таржималари билан танилган таржимон Гулзира Шарипованинг озарбайжон шоири Сагиф Қоратарпоқ шеърларидан таржима қилиб тўплаган “Кўнгил тафти” китоби ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *адабий алоқа, бадиий маҳорат, эпиграф, антология, аслият, таржима.*

Аннотация. В статье представлена информация об узбекско-азербайджанских литературных связях. Книга «Кўнгил тафти», собранная переводчицей Гульзирой Шариповой, известной своими переводами турецкой и азербайджанской поэзии, переведена на стихи азербайджанского поэта Сагифа Каратарпока.

Ключевые слова: *литературное общение, художественное мастерство, эпиграф, антология, оригинальность, перевод.*

Abstract. The article provides information about Uzbek-Azerbaijani literary relations. The book "Kongil Tafti" collected by the translator Gulzira Sharipova, who is known for her translations of Turkish and Azerbaijani poetry, translated from the poems of the Azerbaijani poet Sagif Karatarpoq.

Key words: *literary communication, artistic skill, epigraph, anthology, originality, translation.*

*Хабаринг йўқ...сийнамда,
Ғариб танҳо мазор бор.
Бир жуфт бинафша битар,
Сенсиз унда ҳар баҳор.*

Озарбайжон шоири Сагиф Қораторпоқ шеърларини ўқиганда китобхон дидига ўрнашадиган мисраларни эпиграф қилиб олишни лозим топдик. Зотан қисман адабий алоқалар ва Сагиф Қораторпоқ ижоди ҳақида гапиришдан олдин унинг шеърлари билан танитмоқни истадик.

Ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари ҳақида қисқача сўз юритсак, бу алоқалар жуда қадимийдир. Жаҳон тарихида туркий халқлар теран илдизга эга халқлардан. Маданий алоқалар ҳам ўз ўзидан узоқ асрларга бориб тақалади. Шунинг учун ўзбек – озарбайжон адабий алоқаларининг аниқ вақтини белгилаш ҳам мушкул. Халқ оғзаки ижодидаги ўхшашликлардан тортиб, ХХI аср ижодкорлари ижодида ҳам ҳамоҳанглик борлиги буни кўрсатиб турибди. ХIIV асрнинг биринчи ярмида Қутб Хоразмий Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достонини биринчи бўлиб туркий тилга таржима қилган бўлса, XV асрда Ҳайдар Хоразмий “Махзан ул-асрор” боблар таржима қилиб, достонга жавобан “Гулшан ул-асрор” достонини ёзган. Таржима ишлари давомли бўлган. Огаҳий Низомий Ганжавийнинг “Ҳафт пайкар” достонини таржима қилган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи дoston кириш қисмида шундай ёзганди: “Сайид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон... Бу банди ҳақир ва ихлоси тахмир Муҳаммад Ризо миробал-мутахаллиси биз Огаҳийга ҳазрати шайх Низомийнинг “Ҳафт пайкар” отлиғ китобин, Баҳром шоҳнинг ҳолоти воқеоти қиссаси турур, наср тариқаси бирла таржима қилиб, туркий таснифига киргузмак хизматин буюрдилар”.

Ҳазрат Алишер Навоий Низомий Ганжавийга, Имомиддин Насимийга қанчалар юқори баҳо берганини яхши биламиз. Низомий Ганжавий мумтоз ўзбек шоирларига таъсири нақадар кучли бўлган бўлса, Алишер Навоийнинг озарбайжон шоирларига таъсири ҳам шунчалик кучли бўлган. Навойдан кейин яшаган кўплаб озарбайжон шоирлари Навоий ижодига эргашиб ғазаллар ёзганлар, ўзларига устоз мақомида кўрганлар. Кишварий, Фузулий ва

бошқа кўпгина озар шоирлари Навоийни устоз деб билганлар. Асарларига назиралар бағишлаганлар. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” ва бошқа асарлари, дostonларида озарбайжон шоирларидан Низомий, Ҳоқоний, Шайх Ширвоний, Абу Аббос Сухравардий, Шайх Табризий, Қосим Анворий номларини тилга олади.

Фузулийни эса ҳар икки халқ ўз шоири деб билган. “Ўткан кунлар” романидаги Кумушнинг “Фузулий яхши китоб...”-деган сўзларини эсланг. Унинг асарлари мадрасаларда ўқитилиб, халқ ичида “фузулийхонлик” ўқишлари бўлган.

XX асрда ҳам кўплаб озарбайжонлик ижодкорларнинг асарлари ўзбек тилида чоп этилди. М.П.Воқифнинг “Танланган шеърлар”, М.Ўрдибодийнинг “Қилич ва қалам”, М.Иброҳимовнинг “Қорабоғ қўшиқлари”, А. Собирнинг “Хўп-хўпнома”, “Буюк таянч”, “Бўрон қуши”, С.Рустамнинг “Танланган шеърлар”, М. Дилбозининг “Озар қизи”, И.Гўзаловнинг “Чексиз уфқлар”, Акрам Айлислининг “Мадина амма эртаклари” ва бошқа бир қанча озарбайжон ижодкорларининг асарлари шулар жумласидандир. Таниқли озарбайжон ижодкорлари - С.Рустам, М.Дилбози, М.Иброҳимовлар Ўзбекистон ҳақида асарлар ёздилар.

Сўнгги йилларда озарбайжон адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш, чоп этиш ишлар анча жадаллашди. Низомий Ганжавийнинг “Хамса”сининг биринчи достони” Махзан ул-асрор” Жамол Камол таржимасида нашр этилди. (Тошкент - 2016). Шоир ва таржимон Олимжон Бўриев Низомий “Хамса”сининг беш достонини таржима қилиб нашр этдирди. (“Истиқлол нури” 2016), Натан Маллаевнинг “Низомий Ганжавий” рисоласини (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон кутубхонаси нашриёти – 2015) эълон қилинди. Насимийнинг “Асарлар”и (Тошкент - 1977) аввалроқ чоп қилинган бўлса, “Мен бу жаҳона сиғмадим” (Тошкент-2019) шеърлар китоби қайта нашр бўлди. Ҳамид Араслининг “Имомиддин Насимий” рисоласи Суюма Ғаниева таржимасида чоп этилган. Ҳусайн Жовиднинг “Сайланган асарлар”и (Тошкент. “Тафаккур қаноти”.2018), ва у ҳақдаги мақлолардан иборат “Ҳусайн Жовид ижоди дунё драматургиясининг юксак намунасидир” (Халқаро конференция материаллари. Тошкент. “Тафаккур нури”. 2018) китоблари нашр этилди. Озарбайжоннинг дунёга таниқли ижодкорларидан, Озарбайжон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Анорнинг “Кўзмунчоқ” (“Замин нашриёти”. Тошкент-2018), “Мен, Сен, У ва телафон” (“Давр пресс”. Тошкент-2016), “Қизил лимузин” (Тошкент. Ғ.Ғулом нашриёти, 2012), “Беш

қаватли уйнинг олтинчи қавати” (“Янги аср авлоди”.2021), Воқиф Султонлининг “Ўлим уйқуси” (“Ижод-пресс” нашриёти, Тошкент-2017), Элчин Сафарлининг “Қайтганимда уйда бўл...” асарини (“Шарқ-зиё заковат” нашриёт-матбаа уйи, 2019) ўзбек китобхонлари севиб ўқимоқдалар. Замонавий озарбайжон насрининг пешқадамларидан – Юнус Ўғизнинг ўзбек тилида чоп этилган-“Амир Темур” дилогияси – биринчи китоб “Юксалиш сари”, иккинчи китоб “Дунёнинг ҳоқими” (“Янги аср авлоди”. Тошкент. 2013), “Малика ва жодугар” (“Янги аср авлоди”. Тошкент-2015), “Султон Алп Арслон” (“Мумтоз сўз”. Тошкент-2016), “Отабек Оқдениз” (“Истиқлол нури”. Тошкент-2018), “Овчи” (“Замин нашр”. Тошкент-2018) романлари тақдимотлари ўтказилди. “Умрдан узун кеча” (Озарбайжон ёзувчилари ҳикоялари. Тошкент. “Давр пресс” НМУ. 2014). Истеъдотли ёзувчи Парвиннинг “Қор ёғажак” (“Эхтремум Пресс нашриёти”. 2014. Таржимон Б.М.Шариф). Сўна Валиеванинг “Дунё кўзимга нипушти рангда” (Тошкент. “Истиқлол нури”, 2018), Лайло Алиева “Дунё тушдек эриб бормоқда” (Тошкент. “Камалак”. 2018), Ганира Пашаева “Оч эшикни” (Тошкент. “Лессон пресс”.2019), Элужа Отали “Кечиккан Ўйинчоқ” (Тошкент. “Лессон пресс”.2019), Фарид Ҳусайннинг “Самарқанд девони” туркуми (Тошкент2019), Ҳусайн Курдўғлининг “Сайланма” (“Мумтоз сўз”. Тошкент-2014) шеърлар тўплами сўнги йиллардаги озарбайжон насрини ва шеъриятини ўзбек китобхонларига янада яқинлаштирди. Филология фанлари доктори, профессор Олмос Улвининг “Озарбайжон – ўзбек адабий алоқалари” (Баку -2008), “Ўзбек адабиёти” (Баку-2016), Алишер Навоий ижодига бағишланган “Алишер Навоий ва озарбайжон адабиёти” мавзусидаги илмий ишлари, Ғуломхусайн Алиевнинг “Озарбайжон – ўзбек адабий алоқалари” (Тошкент.“Машхур пресс”.2019), Рамиз Асқарнинг “Ўзбек адабиётидан тадқиқотлар” (2021), Хуршидабону Нотавоннинг шеърлари, Азиза Жафарзоданинг “Баку 1401” романи (2022), А. Жаводнинг шеърлар тўпламини нашр қилиниши ўзбек –озарбайжон адабий алоқаларига қўшилган муҳим ҳисса бўлди. “Жаҳон адабиёти” журналида тез-тез озарбойжонлик шоирлар, ёзувчи ва драматурглар асарларидан таржималар бериб борилаётир.

Бугунги кунда ўзбек озарбайжон адабий алоқалари янги босқичга кўтарилмоқда десак адашмаймиз. Кўплаб ўзбек ижодкорларининг асарлари озарбайжон тилида, озарбайжон шоир ёзувчиларининг асарлари, адабий антологиларнинг ўзбек тилида чоп этилиши, маданият кунларининг ўтказилаётгани фикримизга исбот. Низомий “Хамса”сининг ўзбек тилида тўлиқ нашри юртимиздаги

маданий воқеалардан бўлган. Машхур озар ёзувчиси, Ўзбекистонда бир неча китоблари чоп этилган Анарнинг Ҳурматли Президенти-миз Шавкат Мирзиёев томонидан “Дўстлик” ордени билан тақдирлангани бу соҳада меҳнат қилаётганларнинг қадрланиши, умуман ижодкорга эътиборнинг далилидир. Айниқса, яқинда “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлигининг дунё юзини кўрганлиги ва бунга ўнлаб озар ижодкорларининг асарлари киритилгани адабий алоқалар ривожига қўшилган катта ҳисса бўлди.

Озар адабиётидан таржима қилиб келаётган таржимонлар ичида Гулзира Шарипова ҳам ўз ўрнига эга. У ёшлигидан бадиий адабиётга меҳр қўйиб шеърлар ёзиб юрарди. Айрим шеърлари турк, араб, озарбайжон, рус, ҳинд тилларига таржима ҳам қилинган. Унинг таржималари Озарбайжоннинг “Ҳазон”, “Юрт” журналлари, “Исмаилли хабарлари”, “Азтрубит”, “Ҳақнинг садоси” газеталарида, Туркиянинг “Гунжел санъат”, “Карделен”, “Айдин эфеси” журналларида босилгани бежизмас. Шеърга бўлган муҳаббат Гулзирани таржимага ундагандир. Қардош халқлар шеъриятидан кўнглига ёққанини ўзбек китобхонига ҳам илингандир. Шу кунга қадар 50дан ортиқ озарбайжон ижодкорларининг 400 дан ортиқ шеър ва ҳикояларини, турк шоирларининг 60 дан зиёд шеърларини ўзбек тилига таржима қилган. Олмониялик ёзувчи Генрих Дикнинг 25 та эртагини, Россиялик ёзувчи Светлана Савицкаяни “Балканы” романини рус тилидан турк тилига ўгирган. Роман Туркияда китоб холида нашр этилди. Булар шоиранинг таржима борасида маълум тажриба орттирганини кўрсатади.

Озарбайжон ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзоси Гулзира Шарипова яна бир таниқли озар шоири Сагиф Қараторпоқ шеърларидан таржима қилиб “Кўнгил тафти” номида ўзбек китобхонига тақдим этди. Сагиф Қараторпоқ 1963 йил 26 октябрда Озарбайжоннинг Газах тумани, Афстафа қишлоғида туғилган. Унинг “Шамнинг сояси” (2006), “Бир кўнгил вароғида” (2012), “Уч қадам” (2014), “Балки шундай яхшийди”, (2019), “Олти соатлик сукунат” (2023) номли шеърый китоблари чоп этилиб, шеърият мухлислари эътиборига тушган.

Шоир инсоний туйғуларни таъсирли қилиб ифодалай олади. туширади. Дилида борини ёзади.

Сассиз ғунча очади,
Исминг дудоқларимда.
Кўз ёшим бир мисрадир,
Қотиб ёноқларимда.
Ёки:

Йиғлаган ҳар мисра жондан узилар,
Ғам ема, кўнглимнинг ўти камайса.
Излаб кул тагидан чиқаражаклар
Амаллаб бир сатрим топ-тоза қолса...

Каби гўзал сатрлар битган шоир шеърларида кўнгилнинг ички нидоларини сезасиз. У дил тафтини қоғозга кўчиришга, ўзидаги некбин туйғуларга китобхонни ошно қилишга интиладиган шоир назаримда.

Йўқ, сенга йиғлама демасман бу кун,
Йиғла, юрагингнинг эрисин тоши.
Не бўлса... барини севгидан бошқа,
Майли, ювиб кетсин кўзингнинг ёши..

Бундай қарашлар шоирнинг севгига собит бўлишига ундов. “Боқ, ҳар кеча ўзимни юрагимга осаман”, “Ёғса севинч ёмғирлари, бир томчи ҳам тушмас менга...”, “Куртак эди сийнамдаги орзулар, Сўлиб кетар битта совуқ боқишдан”, “Тонг еридек қизарган кўзларимда сен бино”, “Силкитиб- силкитиб само ипини, Узиб юборай дер, кул ранг булутлар”, “Фақат унутма ҳеч вақт, Соғинишнинг таъмини”, “Бу аччиқ хотиранинг қора юзи оқармас” каби нозик ташбеҳларга бурканган сатрлари шоирнинг юрагидан сизиб чиқаётган изтироб жаранггидек янграйди.

Сен кетган сўнг руҳимни кипригимга осганман,
Нозик умидларим бор, дудоғимнинг четида.
Бир кун ўлсам, исмимни қазиб бостиражаксан,
Айрилиқдан нам тортган кўзларингнинг остига.

Сагиф Қараторпоқ ижодида шу сингари ўқирманга завқ берадиган анчагина мисраларга дуч келасиз. Шеърдаги (аслиятдаги) туйғуларини таржимон китобхонгада юқтира олса қўл урган ишини уддалаган бўлади. Гулзира таржимасидан бир мисол келтирмоқчиман. Савияси ҳақида хулоса шеърхондан. Озарбайжончаси:

Sən necə bildin ki yanıb qanadım,
Elə o zamandan göyə həsrətəm.
Ömrümün-günümün səhmanı itib,
Nə vaxtdı sevgidən qalmışam etim.

Ўгирмаси:

Сен қаердан билдинг, қанотим куйиб,
Учолмай осмонни соғинганимни.
Умрим-кунларимда маъно йўқолиб,
Муҳаббатдан етим қолганларимни.

Ёшларга (ўрта мактабда) адабиётдан таълим бериш билан бирга қаламини қўлидан қўймай ижод қилаётган, Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Сагиф Қараторпоқга - шеърлари рус,

турк, ўзбек ва қозоқ тилларига таржима қилинган шоирга – ижодий парвозлар тилаб, кейинчалик ҳам асарлари ўзбек тилида нашр этилишини истаб қоламиз.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

Алиев Ғуломхусайн. Озарбайжон – ўзбек адабий алоқалари. Тошкент. “Машхур-Пресс”, 2019.

Адабий дўстлик-абадий дўстлик. Тошкент. “Машхур-Пресс”, 2018.

Анар. Албатта учрашамиз. Тошкент. “Тамаддун” нашриёти. 2022.

Замонавий озарбайжон шеърляти антологияси. Тошкент. Озарбайжон маданият маркази. 2016.

Сағиф Қараторпоқ. Кўнгил тафти. Тошкент. “Ренессанс пресс”. 2023.



ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА СОВРЕМЕННОЙ КОРЕЙСКОЙ ПРОЗЫ НА РУССКИЙ ЯЗЫК

Инна ЦОЙ, канд.филол.наук, Санкт-Петербургский государственный университет, Санкт-Петербург, Россия,
Тел: +7 951-640-6137, E-mail: i.tsoy@spbu.ru

Аннотация. В связи с популярностью современной корейской культуры возрастает интерес и к книжной продукции. Если в прошлом столетии первое поколение переводчиков познакомили русских читателей с образцами традиционной прозы и поэзии, в настоящее время все больше стали переводить жанровую литературу. В статье речь пойдет об основных проблемах и о переводческих стратегиях, которые используются при работе с корейскими текстами.

Ключевые слова: современная корейская литература, проблемы перевода, переводческие стратегии, популяризация корейской литературы, переводческие ошибки.

Annotatsiya. Zamonaviy koreys madaniyatining mashhurligi tufayli kitob mahsulotlariga qiziqish ortib bormoqda. Agar o'tgan asrda tarjimonlarning birinchi avlodi rus kitobxonlarini an'anaviy nasr va she'riyat namunalari bilan tanishtirgan bo'lsa, hozirda ko'proq janrli adabiyotlar tarjima qilina boshladi. Maqolada koreyscha matnlar bilan ishlashda qo'llaniladigan asosiy muammolar va tarjima strategiyalari muhokama qilinadi.

Kalit so'zlar: zamonaviy koreys adabiyoti, tarjima muammolari, tarjima strategiyalari, koreys adabiyotini ommalashtirish, tarjima xatolari.

Abstract. Due to the popularity of modern Korean culture, interest in book production is also growing. If in the last century the first generation of